

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2019 йил Фаол инвестициялар ва
ижтимоий ривожланиш йили

1974-йил 1-yanvarдан chiqara boshlagan

2019-йил 4-may, shanba 34 (9001)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар. Хужжат давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонунда давлат-хусусий шерикликнинг ушбу соҳадаги асосий принциплари ва йўналишлари белгиланмоқда, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шартлари ва тартиби келтирилмоқда. Жумладан, қонунга биноан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати 49 йилни ташкил этади.

Қонунда хусусий шерик тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар асосида саралаб олиниши назарда тутилмоқда. Бунда бир босқичли ва икки босқичли тендер ўтказиш тартиби белгиланмоқда: умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича бир босқичли тендер ўтказилади, умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича икки босқичли тендер ўтказилади (у дастлабки малакани аниқлаш ва тендер солибини саралаш босқичларини ўз ичига олади).

Қонун муҳокамасида таъкидланганидек, давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашда, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мутлақ ҳуқуқлар, ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк объекти ва ўзга мол-мулк муайян шахсга тегишли бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган ҳолларда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни давлат шерикнинг қарорига мувофиқ тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан тузиш мумкин.

Бундан ташқари, қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 3 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси иш бошлади.

юзасидан мониторинг ва ҳисобдорлик тартиби, давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари белгиланмоқда.

Давлатнинг маблағ (грантлар, субсидиялар) билан иштирок этиши, солиққа оид ва бошқа имтиёзлар, активлар, қарзлар тарзидаги қўйилмалар, давлат кафолатлари унинг асосий турлари ҳисобланади. Қонун мақсулот тақсимоги тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига татбиқ этилмаслиги назарда тутилмоқда.

Қонун ижтимоий муҳим вазифаларни ўзaro фойдали шартлар асосида ҳал қилиш учун давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиши қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Хужжат урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунда ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли органлар – Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Ерреодекадастр" кўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби ва хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми тартибга солинмоқда. Юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектилари жойлашган ер участкалари, шунингдек, уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари, яқна тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари жойлашган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш имконияти назарда тутилмоқда.

Қонунга кўра тасдиқланган ва эълон қилинган режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда, фойдали қазилмалар конлари жойлашган ер участкалари, давлат мулкдаги стратегик объектлар, табиати муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек, ўрмон ва сув фондларининг ерлари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари хусусийлаштирилмайди.

Бунда қонунда белгилаб қўйилишича, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар (норезидентлар), фуқаролари бўлмаган шахслар, агар Ер кодексига ва халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун нормаларида ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонунда мустаҳкамлаб қўйилишича, хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ва фуқаролик муомаласи объектилари ҳисобланади, хусусий мулк ҳуқуқи эса дахлсиздир ва у давлат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилинади. Хужжатда хусусийлаштирилган ер участкасини олиб қўйишга фақат мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ушбу ер участкасига қаратилганда, шунингдек, национализация, реквизиция ва мусодара қилиш тартибда йўл қўйилади. Национализация қилиш фақат давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳамда ер участкаси мулкдорининг розилиги олинганда амалга оширилади, бу томонлар ўртасида тенг шартлар асосида тузиладиган ер участкасининг олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади. Хусусийлаштирилган ер участкаси табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларида ва фавқулодда ҳусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан

вақтинчалик олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини сенаторлар томонидан муҳокама этилди.

Қонунда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилмоқда, у қуйидагилардан иборат: соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва давлат дастурларини қабул қилиш; мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёқилги-энергетика балансининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришга доир қисмини диверсификациялаш; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия самарадорлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш.

Шунингдек, давлат органлари – Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, ушбу соҳадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Бунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларига (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) мол-мулк солигини тўлашдан ва ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солигини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга озод этиш шаклида имтиёзлар ва преференциялар берилди. "Ўз-

бекгидроэнерго" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарга реализация қилинадиган энергия ҳажмлари бўйича қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, қонунда белгилаб қўйилишича, амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахсларга эгаллигидаги мол-мулк муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддат жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланмоқда. Жумладан, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришда биогаз биомассадан шахсан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш чоғида рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар блок-станциялар шартлари асосида ягона электр энергетикаси тизими тармоқларига улашиши мумкин, ушбу манбалардан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга эса қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини худудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига улаш тақиқланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш масалалари ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтиришга, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этишга ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятлар тўлиқ бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент аъзолари "Йилловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўйбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улгайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуksиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанни ўзлаштиришга бўлган рағбатини ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жаҳон миқёсида Ватанимиз доверуғини кенг таратган аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимининг белгиланган штатлар сони доирасида ушбу вазирлик тузилмасида 14 та штат биригидан иборат **Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари **этиб белгилансин:**

иктидорли ўқувчи ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илгор тажрибаларни оммалаштириш ва улар асосида таълим муассасалари учун таъвия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш; **умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ўқувчилар ўртасида маҳаллий ва халқаро, шу жумладан, нодавлат фан олимпиадаларини ташкил этиш, уларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш;**

юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш; халқаро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, олимлар, профессор-ўқитувчилар, хориқлик мутахассисларини жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш;

олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

3. Қўйидагилар:

Ғолиблари давлат олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган халқаро олимпиадалар рўйхати (кейинги ўринларда – халқаро олимпиадалар) 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўтказиладиган қўшимча республика олимпиадалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда давлат таълим стандартлари ўқув дастурлари ва режаларида белгиланган фанлар ҳамда уларга ажратилган ўқув соатларидан келиб чиққан ҳолда **асосий олимпиадалар** ўтказиладиган фанлар рўйхатини тасдиқласин.

(Давоми 2-саҳифада)

ЮКСАК МУКОФОТГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Пойтахтимидаги
"Туркистон" саройида
журналистика соҳасида
"Олтин қалам" XIV
миллий мукофоти
учун халқаро танлови
соҳибларини тантанали
тақдирлашга
бағишланган тадбир
бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан мазкур санъат қошонасига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик, идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари маъсул ходимлари, барча турдаги медиа тузилмалар вакиллари, журналистика йўналиши бўйича таълим бераётган профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга



оширилаётган кенг қамровли ислохотлар оммавий ахборот воситалари ходимларини янада фаол, фидойи, ташаббускор бўлишга, юрт тақдири учун астойдил жон

куйдиришга чорлаётганини таълоқлар оммавий ахборот воситалари ходимларини янада фаол, фидойи, ташаббускор бўлишга, юрт тақдири учун астойдил жон

билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёб-

билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёб-

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда гоёвий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга бевасандлик, зарарли ёт гоёлар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашни, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида:

(Давоми 3-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3 ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасасига қабул қилинган олимпиада ғолибларига "устоз-шогирд" тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассислар бириктирилади.

5. Белгилансинки:

а) халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг куйидаги миқдорларида бир марталиқ пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) учун – 500, ўқитувчисига – 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун – 300, ўқитувчисига – 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун – 200, ўқитувчисига – 150 баравари;

б) асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг куйидаги миқдорларида бир марталиқ пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун – 50 баравари;
2-ўрин учун – 35 баравари;
3-ўрин учун – 30 баравари;

в) халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишлича қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама тўланади;

г) таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган:

халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз;

асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади;

д) олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни ҳорижда тайёрлаш ва ватандо-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

шлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эп-юрт умиди" жамғармаси томонидан шакллантирилган истиқболли мутахассислар захирасига киритилади.

6. Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 4-11 синф, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ҳар чорақда онлайн тарзда олимпиадалар ташкил қилиш орқали иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантирсин ҳамда захирага киритилган ёшлар учун Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали ҳар ойда чуқурлаштирилган назорат материаллари, шу жумладан, тест, ёзма ишлар учун масалалар етказиб берилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) асосий олимпиадаларни ташкил қилиш ҳамда халқаро олимпиадалар учун иштирокчиларни саралаш ва тайёрлаш харажатлари:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

б) ўқувчи ёшларнинг халқаро олимпиадаларда иштирок этиши таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан, суткалик, яшаш ва транспорт харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

в) асосий ва халқаро олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг ўқитувчиларига тўланадиган бир марталиқ пул мукофотлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган олимпиадалар ғолиблари лавозим ма-

ошига тўланадиган устама ҳақлари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2019 йил 1 августга қадар барча босқичдаги олимпиадалар бўйича маълумотлар, шу жумладан, олимпиадалар учун танланган назорат материаллари, иқтидорли ўқувчилар захираси, олимпиада иштирокчилари, ғолиблари, уларга бириктирилган ўқитувчилар ҳисобини юритувчи ахборот тизимини ишга туширсин;

бир ой муддатда Департамент зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир малакали, чуқур билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимлар билан тўлдирсин, моддий-техника базасини шакллантириш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таркибда олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал соҳаюқтинини намойён этишига қўшимча шaroитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан ҳар йили ўтказиладиган олий таълим муассасалари олимпиадаларнинг режа-жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ва халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

иқтидорли ўқувчилар захирасига киритилган ўқувчи-ёшлар олимпиадаларнинг тўғридан-тўғри вилоят босқичида қатнашиши, олимпиадаларнинг вилоят ва республика босқичи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали онлайн тарзда тўғридан-тўғри намойиш этилиши; олимпиадалар очик ва шаффоф тарзда ўтказилиши, натижалари улар ўтказилган куннинг ўзида эълон қилиниши; олий таълим муассасаларига қабул қилинган олимпиада ғолибларига "устоз-шогирд" тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларнинг бириктирилиши;

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификат берилиши;

барча босқичдаги олимпиада натижалари, шу жумладан, иштирокчилар тўғрисида маълумот, уларнинг ёзма ишлари тўлиқ ахборот тизимига киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайтида эълон қилиниши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3931-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокommуникация оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг қўламада ёритишни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 3 май

(Боши 1-саҳифада)

Қонун билан бу соҳадаги давлат сиёсатининг куйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда: давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш; яйловларни сақлаб қолишга қаратилган қондалар, нормалар ва нормативларни белгилаш; давлат назоратини амалга ошириш; яйловлардан оқилона фойдаланишни, уларни муҳофазаси қилишни, такорор кўпайтиришни ва тиклашни таъминлаш; илмий-тадқиқот фаолиятини ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Муҳофизат чора-тадбирларининг эътибори давлат органларининг бу соҳадаги ваколатларига қаратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда амалга оширади, яйловларни фойдаланиш учун бериш тартибини тасдиқлайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади, яйловларда чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини тасдиқлайди ва ҳокказо. "Ерғодекдастр" давлат кўмитаси, Давлат экология кўмитаси, Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси каби тузилмалар давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, пачан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилашда, чорва молларини ўтлатиш учун участкалар берилишини таъминлашда, ўрмон фонди ерларида яйловлар мониторингини ўтказишда иштирок этади.

Шунингдек, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофизат қилишни ташкил этишда иштироки механизми мустақамлашган ҳолда, хусусан, улар яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофизат қилиш бўйича тадбирлар ўтказишга кўмаклашишда ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширади. Яйловлардан фойдаланиш тартиби ҳам белгиланмоқда, улар юридик ва жисмоний шахсларга давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра доимий эгаллик қилишга, ижарага ва вақтинча фойдаланишга берилади. Ўрмон фонди ерларида яйловлардан давлат ўрмон ҳўжалиги органларининг руҳсатномаси бўйича фойдаланилади.

Қонунга мувофиқ яйловлардан фойдаланувчилар яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофизат қилишга доир чора-тадбирларга мувофиқ чорва молларини ўтлатиш ва пачан ўриш, яйлов инфратузилмасини барпо этишга доир ишларни амалга ошириш, яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмасини тузиш ҳуқуқига эга. Улар ўз навбатида яйловлардан уларнинг белгиланган мақсадида кўра оқилона фойдаланиши, яйлов ўсимликларини такорор кўпайтиришга кўмаклашишга, ўсимлик қопламани тиклашга доир чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

Бундан ташқари, қонун билан яйловларни муҳофизат қилиш, такорор кўпайтириш ва тиклаш масалалари тартибга солинмоқда. Жумладан, яйловларни муҳофизат қилиш яйловлардан фойдаланиш, уларни такорор кўпайтириш ва тиклаш қондалари ҳамда нормативлари, чекловлари ва тақиқлар белгилаш, яйловлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, инвентаризация қилиш, яйловларнинг геоботаник ҳолатдан текширилишини амалга ошириш, мониторингини юритиш, яйловлардан фойдаланиш, уларни такорор кўпайтириш ва тиклаш устидан назоратни амалга ошириш йўли билан таъминланади. Юридик ва жисмоний шахслар зиммасига яйловларни инфослантиришнинг, улардан оқилона фойдаланмаганлик, уларнинг таназулга учраганлиги натижасида етказилган зарарини ўрнини қоплаш юкланади.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши аҳоли учун, шунингдек, экспорт қилиш учун озик-овқат товарлари, гўшт-сут маҳсулотлари захирасини ошириш мақсадида яйловлардан оқилона фойдаланишни ташкиллий-ҳуқуқий механизмларини ва янги имкониятларни яратишга кўмаклашади. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра Аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтиришни, ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилганлик учун жарималар миқдорини оширишни, дарактлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни гайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилганлик учун жарималар миқдорини оширишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари, ўрмонларни тиклаш қондаларини бузганлик, Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғганлик, ўрмон учун фойдала фануани йўқ қилиб юборганлик, ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун жарималар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун билан ов қилиш ва балиқ тутиш қондаларини, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда. Ов қилиш ва балиқ овлашда тақиқланган қуролларни ёки воситаларни тайёрлаганлик, олиб қирганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки юборганлик, олганлик ёхуд сотганлик, ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофизат қилиш қондаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қондаларини бузганлик, худди, шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириганлик, иклимлаштирганлик ёки чаптириганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 111-моддасига ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 1 февралдаги қарорининг 8-бандига мувофиқ сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келганлик жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 5 февралдаги қарорига мувофиқ Иқтисодий процессуал кодексга иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судга мажлис ўтказиш имконини берадиган тартиб жорий этишни, суд муҳокамасини қолдиришларнинг максимал миқдорини белгилашни (3 марта), шу жумладан, иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамасини қолдиришларнинг (10 кун) ва танлафусларнинг (3 марта) максимал муддатини белгилашни, шунингдек, факат қўтилмаган сабаблар ва фавқулодда ҳолатлар энг берганда суд муҳокамасини қолдириш ёки танлафуслар эълон қилиш мумкин бўлган ҳолларни аниқлашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботи кўрсаткичларига назарда тутилган

шарт-шaroитлар мамлакатимизда тезроқ жорий этилишини таъминлайди ва яқинда кулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва ушбу рейтингда Ўзбекистоннинг ўрнини оширишга кўмаклашади. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига мувофиқ бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонунига ва Бюджет кодексига тахририй ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмадиган ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн бараваригача оширишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

"Фуқаролар солигини сақлаш тўғрисида"ги қонун ҳам янги норма билан тўлдирилиб, унга кўра тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табиобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг ҳулосаси асосида тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Турғун органик инфослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Турғун органик инфослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш Препаренциялар бoш тизими "ПБТ+" доирасида мамлакатимиз товарларини Европа бозорига етказиб беришда Ўзбекистон қўшимча тариф преренцияларини олиши учун ЕИ шартларидан бири ҳисобланади. Конвенция қилдоқ ҳўжалиги ва кимё сановатида фойдаланиладиган ҳамда инсон соғлиги ҳамда ер ва сув ресурслари ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган 26 та энг хавфли кимё бирикмасини ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни тақиқлайди ёки анча чеклайди.

Қайд этилганидек, Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Конвенция қотибиятига хавфли кимёвий моддаларнинг мавжуд ҳолларни тўғрисида ахборот тақдим этишни, турғун органик инфослантирувчи моддалар муомаласини тақиқлаш ёки чеклашни, шунингдек, Конвенция кўчга кирганидан кейин 2 йил давомида ишлаб чиқилмаган Миллий ҳаракатлар режасига мувофиқ уларни экологик хавфсиз олиб ташлашни талаб қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Тошкент вилоятининг Зағнота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Навоий вилояти Нурота тумани Фозгон шаҳарчасини Фозгон шаҳри этиб ўзгартириш, Фозгон шаҳрини вилоят бўйсунувидига шўҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақлифига биноан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенаторлар "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорадаги ижроси озаосидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ҳисобот даврида иқтисодий ўсшнинг юқори суръатларига, макроиқтисодий барқарорликка ва хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилишига

эришилганлиги таъкидланди. 2019 йилнинг биринчи чорадаги Давлат бюджети доирамадлари 23 триллион сўмни, харажатлар 24,1 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткичлар тегишли равишда 1,6 ва 1,7 баравар ошди.

Ҳисобот даврида ижтимоий соҳани кўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, одамларнинг ишончли ижтимоий жомасини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йил бошидан умумий суммаси 341,2 миллион сўмлик 32 та санoат объекти ва ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди, 1806 та янги иш ўрни яратилди.

Кишлоқ аҳоли пунктларида муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектиларини ривожлантириш ишлари олиб борилди. Жумладан, бу йили 15 635 та квартира мўлжалланган кишлоқ жойларда 15 010 та, шаҳарларда 355 та арзон кўп қаватли уй барпо этиш ишлари юқори суръатларда давом эттирилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Давлат дастури мониторинги натижаларига эътибор қаратдилар. Масалан, амалга оширилгани назарда тутилган 63 та банднинг 46 таси тўлиқ бажарилган, 11 та банд бўйича тадбирлар ҳали ўтказилмоқда, 6 та банд бўйича эса ишларни бажариш муддатлари узайтирилди.

Хусусан, жорий йили 1 мартга ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти оциқлигини таъминлаш мақсадида "Электрон парламент" тизимини жорий этиш назарда тутилган. Шу муносабат билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан амалга оширилиши зарур бўлган иш белгилаб олинди. Бироқ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағлар ажратилмаганлиги тўғрисида ишлар амалда даярли бошланмади.

Бундан ташқари, Дастурнинг 130-бандида 1 мартга қадар қўшимча қиймат солиғидан озод этиладиган технология ускуна ва хомаш рўйхатини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Бу жуда муҳимдир, чунки мамлакатимизда ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдирishi ва экспортни ривожлантириш учун янги ишлаб чиқариш технологияларини кенг соҳада ишлаб жараёни давом этмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда бу банднинг бажарилганлиги қайд этилган. Бироқ мониторинг Давлат дастурининг мазкур банди бўғунги кунда ижро этилмаганлигини кўрсатди.

Дастурнинг 153-бандида санитария-эпидемиология хизматини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини 15 февралга таёрлаш қайд этилган эди. Бу самарасиз санитария-гигиена лабораторияларини мақбуллаштириш ва уларнинг негизда замонавий туманларо рабораториялар ташкил этишга, вакциналар омборларини, санитария-эпидемиология назорати марказларини таъмирлаш ва қайта қуришга, ҳуқуқий ҳимоя қилиш органлари ва тиббиёт муассасалари ўртасида юқумли касалликлар ҳамда оммавий захарланишларга доир ахборот алмашиш бўйича ягона дастурни ишлаб чиқишга имкон берган бўлар эди. Муҳокама чоғида Давлат дастурининг бошқа бандларининг ҳам бажарилмаслик сабаблари таҳлил қилинди.

Амалий муҳокама давомида маъсўл вазирликлар, идоралар ва вилоят ҳокимликлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни Давлат дастури ижросининг боришидан хабардор қилиш самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан бу йўналишдаги ишларни кучайтириш зарурлиги тўғрисида аниқ тақлифлар айтилди.

Эшитув яқунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

1. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш;

мамлакатимизда амалга ошириладиган ишларни, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «Маҳалла – туман – вилоят – республика» принципи асосида худудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жарафна замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

«Жаҳолатга қарши маърифат» гояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарбиёт-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

тинчлик ва оқилолликка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиотига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик гояларига ҳавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарбиёт ишларини олиб бориш;

аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик гояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгаши (кейинги ўринларда – худудий кенгашлар) раислари ўн кун муддатда худудий кенгашлар таркибини қайта тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Республика кенгашининг йиғилиши бир йилда бир марта Республика кенгаши раиси, бошқа вақтларда эса заруратга қараб Республика кенгаши раисининг ўринбосарлари томонидан ўтказилади;

худудий кенгашларнинг йиғилишлари худудий кенгашлар раислари томонидан ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади; Республика Маънавият ва маърифат маркази (кейинги ўринларда – Марказ) Республика кенгашининг, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари тегшли худудий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

6. Марказ: а) Ўзбекистон Республикаси Мақтабга таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин; маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари; бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими;

маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомилдорлик давридан бошлангани ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши; б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Республика кенгашига киритсин;

худудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини «маҳалла – туман – вилоят – республика» принципи

асосида худудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эттириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарбиёт-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар;

аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми; в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ ҳузуридаги «Маънавият тарбиётчиси» таълим муассасасида тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

«Madaniyat va ma'rifat» телеканалини Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот хамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, барқарол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, қўрсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этилсин.

8. Марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига тошпирлаган «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Марказ ҳузурида «Маърифат» тарбиётчилар жамияти нодавлат но-

тижорат ташкилоти шаклида таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига «Маърифат» тарбиётчилар жамияти фаолиятини давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари лавозим машинаси аниқлашда тариф коэффицентлари 1,7 баравар кўпайтирилган миқдорда қўлланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида маблағ ажратсин.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлар ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Ариповга – Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудовага – Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши, кейинги йиллар учун назарда тутилган чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишининг ташкил этилиши;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган вазифалар ижросини тўғри ташкил этилиши ҳамда тадбирларнинг муддатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

14. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 3 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

Битирувчи талабаларнинг иш жойлари тайин

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамкорлигида ташкил этилган ахборот-таништирув тадбирида жорий йилда институтни давлат гранти асосида тамомлаётган талабалар вазирликнинг худудий бўлинмаларидаги мавжуд вакант иш ўринларига ишга таклиф этилди.

– Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилиб ўсганман, – дейди Гидромелиорация факультети талабаси Абдурахим Мустафоқуллов. – Худудимиз сув ҳўжалиги тизимини ривожлантиришга озгина бўлсада ҳўссамни қўйиш озуғим эди. Шубоис, туман ирригация бўлимига биринчи тоифали муҳандис-гидротехник вазифасига ишга таклиф этишганидан жуда хурсанд бўлдим. Тўрт йил давомида сув ҳўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни амалиётда қўллаш юзасидан олган билимларимиз ишда асқотади, деган умиддаман.

Тадбирда қатнашган битирувчи талабаларга бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ муфассал маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати.



ЮКСАК МУКОФОТГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Боши 1-саҳифада)

Юртимизда аънавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» танлови соҳада тинимсиз лавонаётган журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари ижтимоий позицияларини намойён этишлари учун эркин шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти учун ўтказган халқаро танловга ижодкорлардан қўллаб материаллар келиб тушди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ба танловга ўтган бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида ёрилган материаллар қабул қилинди. Тақдим этилган ижодий ишларнинг долзарблиги, ижтимоий аҳамияти, тезкорлиги, ҳолис ва ҳаққонийлиги, халқ манфаатларининг теран ифодалангани каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Аънамага кўра, бу йилги танловда журналистика соҳасида бош миллий мукофот, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет-журналистика йўналишларида асосий мукофот соҳиблари биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин бўйича аниқланди. Шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал», «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун», «Энг яхши фоторепортаж», «Энг яхши матбуот хизмати» каби рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди,

Бош миллий мукофотга Халқаро пресс-клуб ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали жамоаси муносиб топилди. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди.

– Бугунги шиддатли замон журналистларининг маънавий бедорлигини, мунтасил изланишини, ўз ишига теран таҳлилий-танқидий нигоҳ ташлаш салоҳиятини, халқ дardи ни ўз dardi каби қабул қила олиш салоҳиятини талаб этмоқда, – дейди Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзодхон Қўдратқўжаев. – Ўтган икки ярим йил давомида жамоамиз чин маънода халқлик мукофот майдонига айланди. Билдирилган бундай юксак ишонч бизларни янада кўпроқ масъулият билан, ҳалқимизга сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳакимов сўзга чикди.

Тантанали маросимда санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОҢОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЭЪЛОҢ

Ҳурматли тадбиркор ва сармоядорлар диққатига! «КО`СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МҶЗ тақроқий аукцион савдоларига таклиф этади!

ТНФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МҶЗнинг 2019 йил 1 майдаги 507-сонли буюртманома сизга асосан:

1. Андижон вилояти Асака туманида жойлашган «Асака деҳқон бозори» 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3866кв. метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв. метр, 5 та литердан иборат. Бошлангич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани «Эллиққалъа деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ. Умумий майдони 16700 кв. метр, қурилиш майдони 2497,36 кв. метр, 3 та литердан иборат. Бошлангич баҳоси – 3 617 020 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 13 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 13 май куни сотилмаган тақдирда тақроқий савдолари 2019 йил 20, 27 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичда сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулкнинг 1 фойиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko`snmas mulk savdo xizmati» МҶЗнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги ҳ/р:22604000204920609001, МҶО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел. (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz

Электрон почта: kmsuz@inbox.uz, kmsuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.

Наманган вилояти

Учқўрғон туманининг қатор маҳаллаларидаги томорқаларда мўл-кўлчилик яратиб борасида ўрганса, ҳаётга татбиқ этса арзигулик ишлар кўлами ортиб бораётир. Тумандаги 64 та маҳаллада 161 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Томорқадан самарали фойдаланиш

Бу йўлдаги изчил савий-ҳаракатлар кўзланган натижаларини бераётир

Аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани томорқаларда бой тажрибалардан унумли фойдаланган, инновацион янгиланган кўллаган ҳолда янада самарали иш юришти, иссиқхоналарни қўлайтириш, йилгига камдада уч мартадан ҳосил олиш, экспортбон экинларни етиштиришни тақозо этаётир. Бу борада туман ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида истиқболли режа тузилиб, ижобий натижаларга эришилаётир.

– Ўтган йили 773 та оилга томорқада оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида 19,2 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, мавжуд томорқа ерларда 32 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилди, – дейди Учқўрғон тумани фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Абдуваҳоб Мама-солиев. – Бунинг натижасида 15 миллиард сўмдан ортиқ даромад

олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи камида 30 фоизга ошириш, мақсадида астойдил меҳнат қилинмоқда. Бунинг учун 60 миллиард сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағи ажратилган бўлиб, шу кунгача 805 та оилга 18 миллиард сўмга яқин моддий кўмак берилди. Ўтган давр мобайнида сўм миқдордаги етакчилигида барча маҳаллаларда ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Худудлар кесимида кўчат, уруғ, меҳнат қуроллари билан савдо қиладиган «Томорқа дўкони» шакллантирилиб, семинарлар уюштирилди. Учқўрғон томорқа хизмати» ҳамда «Фаровон томорқа хизмати» МҶЗлари фаолияти йўлга қўйилди. «Бир маҳалла бир маҳсулот» тамойили асосида мева, сабзавот етиштириш борасида истиқболли қадамлар ташланди. Айнан томорқадан унумли фойдаланаётган намунали маҳалла шаклланди. Бирорта ҳам томорқаси бўш қолган хонадонлар қолмади.

Тумандаги Қозоқовул маҳалла-

си Норин дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, худуди соғ, қумлоқ, тошлоқ ерлардан ташкил топган. Назиржон Бўронов раислик қилаётган маҳаллада 2600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар тасарруфидан салкам 76 гектар томорқа бор. Бир маҳалла бир маҳсулот тамойилида иш олиб бораётган қозоқовулликлар

вариш қилинаётган асарлар шифобахш асал тўплаш кўйида тиним билмайди. Бир умр деҳқончилик билан шўғулланиб, ҳаёт кечираётган Тошпўлат ота ва Хадичахон оналардан томорқанинг йиллик соф даромадини сўраймиз. Улар юз миллион сўмдан ошишини айтиб, кўшниларида бундан ҳам кўпроқ, дейишади, фахр билан. Худди шундай, Катта мўғол маҳалласидаги томорқаларда 101 та иссиқхонанинг барпо этилганлиги йилнинг қиш, баҳор фаслида ҳам бодринг, помидор, қалампир, булғор қалампир, пиёз, саримсоқпиёз, қара, кўкатларни сифатли етиштириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, мўмай даромад қилиш имкониятларини бермоқда. Масалан, Маҳмудхон Жалилова турмуш ўртоғи Қозимжон билан 4 сотихлик иссиқхонада 1400 туп бодрингдан мўл-кўл ҳосил етиштирмоқда. Унинг қўшнилари Муҳаббатхон Бўлматова, Қомилахон Мўйдинова, Шавкатжон Кенжаев, Нурмухаммад Мирзахолов каби 18 та кам таъминланган хонадонга ўз вақтида ерни қолиш, уруғ, кўчат билан таъминлаш борасида амалий ёрдам берилганлиги боис, бугун томорқалар ҳосилдор экинзорларга айлантирилган.

Сирасини айтганда, Учқўрғон туманида мавжуд томорқалардан самарали фойдаланиш йўлида тизимли савий-ҳаракатлар олиб борилаётгани натижасида кўзланган мақсадларга эришилаётир. Буни меҳнати ортидан фаровон турмуш кечираётган томорқа эгаларининг бугунги ҳаётидан, туманининг шаҳар, қишлоқ, маҳалла гузарларида ташкил этилган «Томорқа маҳсулотлари» савдо шохобчаларида арзончилик, тўқинчиликдан ҳам билса бўлади.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

I. ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Халқаро пресс-клуб.

Раҳбар: Шерзодхон Қудратхўжаев.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида республикамизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакат ва жамият ҳаётидаги долзарб воқеалар муҳомааларига бағишланган сессиялари учун.

“O‘zbekiston 24” телерадиоканали жамоаси.

Директор: Мамадамин Сафаров.

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни, мамлакатда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили мақсад-вазифалари ижроси доирасида олиб борилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатларни тезкор ва тахлилий ёритиб келаётгани учун.

II. АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин – “Mening yurtim” телеканалнинг “Марказий студия” ахборот-тахлилий кўрсатуви. Муаллиф ва бошловчилар: Сарвар Баҳодиров, Амирхон Пўлатов.

Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тезкор ва тахлилий ёритилган кўрсатувлари учун.

2-ўрин – “O‘zbekiston” телеканалнинг “Муносабат” кўрсатуви.

Муаллифлар: Қуддус Аъзамов, Нурали Орипов.

Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини ривожлантиришга қаратилган кўрсатувлар учун.

3-ўрин – Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси “Хабарлар” информацион дастури ижодий жамоаси.

Гуруҳ раҳбари: Венера Сариева.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар мақсад-вазифалари ва самаралари, юз бераётган воқеа-ҳодисалардан аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот дастурлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (РАДИО):

1-ўрин – Камолова Наргиза, “Yoshlar” телерадиоканали бош муҳаррири.

Ёшларга қаратилган давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган эшиттиришлари учун.

2-ўрин – Игамбердиев Аваз, “Рухсор FM” радиоси бош муҳаррири.

Республикада ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларининг амалий ифодаси, аҳоли фаровонлигида тугган ўрни ҳақидаги туркум материаллари учун.

3-ўрин – Ўктамова Феруза, Навоий вилоят телерадиокомпанияси 1-тоифали муҳаррири.

Юртимизда кечаётган янгиликларни жараёнда аҳоли фаоллигини ошириш, томорқа маданиятини юксалтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга оид туркум эшиттиришлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ):

2 та биринчи ўрин (1-ўринга берилмаган мукофот иккига бўлинади)

1-ўрин – Мелибоев Аҳмадхон, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири.

Маънавий-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар тахлилий бағишланган публицистик мақолалари, замонамиз қаҳрамонлари образини яратилган фаол иштироки учун.

1-ўрин – “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталари тахририяти, Бош муҳаррир: Хусан Эрматов.

Ўзбекистон касаса уюшмаларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, ташкилотнинг аҳоли билан мулоқотлари, уларнинг муаммолари ечимини топиш, ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фаолияти кенг ва тахлилий ёритилган материаллари учун.

2-ўрин – “Китоб дунёси” газетаси тахририяти.

Бош муҳаррир: Хосият Рустамова.

Даврнинг ижтимоий, маънавий-маърифий масалалари, китобхонлик маданияти, мамлакат маданий ҳаётини тахлилий ёритишга бағишланган туркум материаллари учун.

3-ўрин – Мороз Юлиана, “Правда востока” газетаси муҳбири.

Мамлакатдаги янгиликларни жараёни тахлилий ёритилган материаллари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА):

1-ўрин – Султонова Барно, “Xabar.uz” сайти

шарҳловчиси.

Ижтимоий-маънавий мавзулардаги материаллари учун.

2-ўрин – Бегниязова Кумар, “Kar24.uz” интернет наشري муҳбири.

Долзарб мавзудаги танқидий-тахлилий материаллари учун.

3-ўрин – Шоева Сайёра, ЎзА етакчи муҳаррири. “Uza.uz” интернет сайтида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотлар тезкор ва тахлилий ёритилган материаллари учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР

Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун:

Санжар Эшмуродов, “Маҳалла” газетаси муҳбири.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли ислохотлар самаралари ҳамда соҳага оид муаммолар танқидий таҳлил этилган мақолалари учун.

“ЧЕТ ЭЛЛИК ЖУРНАЛИСТИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛИ УЧУН” НОМИНАЦИЯСИ:

Жереми Хед, Журналист ва телебошловчи. (Буюк Британия).

Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишланган материаллари учун.

“ЭНГ ЯХШИ ФОТОРЕПОРТАЖ УЧУН” НОМИНАЦИЯСИ:

Ҳаким Йўлдошев, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари фотомуҳбири.

Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб воқеалар тахлилий ёритилган фотоматериаллари учун.

“ЭНГ ЯХШИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” НОМИНАЦИЯСИ:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати. Матбуот хизмати раҳбари Санаев Фурқат.

Вазирлик фаолияти ошқоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самардорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун.

МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши:

1. “Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун” – Хайридинмурод Абулфайзов, “Ma’rifat” газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

2. “Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун” – Жобир Ҳўжақулов, “Hurriyat” газетаси муҳбири.

Ўзбекистон Мустақил бўлма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:

1. “Худудий янгиликларга оид босма ва интернет нашрларидаги туркум материаллари учун” – Юсупов Фурқат (мархум), Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар иттифоқида матбуот котиби бўлиб ишлаган.

2. “Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг ижобий имижини оширишга қаратилган материаллари учун” – Жумабеков Дилмурод, “Наманганская правда” газетаси бош муҳаррири, Осиё журналистлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили.

3. “Коррупцияга қарши кураш борасидаги ислохотлари тахлилий ёритилган материаллари учун” – “Жамият” газетаси тахририяти.

4. “Давлатимиз томонидан эҳтижманд оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисидаги тахлилий материаллари учун” – Гулнора Хожимуродова, “Ватанпарвар” газетаси бўлим бошлиғи.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР ЮНЕСКОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ:

“Журналистнинг ахборот олиш имкониятлари масалалари чуқур таҳлил этилган материаллари учун” – Исламов Рамиль, “Правда Востока” газетаси бўлим мудири.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ:

1. “Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати ривож тўғрисидаги энг яхши материал учун” – Алишер Умирдинов, “Gazeta.uz” сайти муҳбири.

2. “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеохисобот (блог, видео-фильм ёки бошқа визуал маҳсулот) учун” – Дилафруз Қўлматова, “UzReport TV” телеканали шеф-муҳаррири.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КООРДИНАТОРИ ОФИСИ:

1. “Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли” – Беруний Алимов, журналист.

2. “ОАВнинг суд ҳокимияти билан ўзаро

алоқалари масалалари” (фейкка қарши кураш, журналистларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги) – Садоқат Аллабергенова, “Даракчи” газетаси масъул котиби.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЭЛЧИХОНАСИ:

“Иқтисодий ривожлантиришда Америка – Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун” – Ойдин Саъдуллаева, “Gujum.uz” сайти муҳбири.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЭЛЧИХОНАСИ:

1. “Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун” – Владимир Березовский, “Vesti.uz” интернет наشري бош муҳаррири.

2. “Россиянинг Ўзбекистон билан маданий-гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун” – Юрий Корсунский, “Review.uz” интернет наشري муҳаррири.

3. “Россия ва Ўзбекистоннинг савдо-инвестиция ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун” – Андрей Тешаев, “Podrobno.uz” интернет наشري бош муҳаррири.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ:

1. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун” – Элина Сакаева (“Gazeta.uz”).

2. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун” – Садоқат Дадаева, ЎЗМТРК “Mahalla” телеканали муҳбири.

3. “Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун” – Ҳотам Мамадалиев, ЎЗАнинг Наманган вилояти бўйича фотомуҳбири.

4. “Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун” – Сунатулла Абдуллаев, “Qalampir.uz” сайти муҳбири.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ:

1. “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик мавзусига бағишланган энг яхши материал учун – Маруза Ҳосилова, “Инсон ва қону” газетаси муҳбири (Навоий вилояти).

2. “Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун” – Мастура Ҳамроева, ЎзЖИУ Сурхондарё бўлими мутахассиси.

Project HOPE (ЮСАИД дастури) (АҚШ):

1. “Босма ва интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун” – Шохиста Бозорова, “Қаҳқадарё” газетаси муҳбири.

2. “Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши телерадио материал учун” – Фароғат Барноева, Навоий вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири.

3. “Сил касалига мубтало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касалига мубтало бўлганларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш) мавзусидаги материал учун” – Шухратжон Хуррамов, Франс-пресс (AFP) ахборот агентлиги муҳбири.

“МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ” ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (Словения):

“ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун” – Садоқат Аллабергенова, “Даракчи” газетаси масъул котиби.

DVV INTERNATIONAL (Германия):

“Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли тўғрисидаги материал учун” – Анара Содикова, ЎзА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ВА “РОСАТОМ” ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ:

“Ўзбекистоннинг атом энергетикаси мавзуси ёритилган энг яхши материал учун” – Макссад Жангиров, “Новости Узбекистана” газетаси махсус муҳбири.

Лопа Раҳманбаева, “Kul.uz” веб-сайти муҳбири. Жаҳонгир Абдурахманов, Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати ходими.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИЯ МАРКАЗИ ФИЛИАЛИ (РЭЦЦА) – ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МОЛДОЙИЙ ЁРДАМИДА:

“Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигини аҳолининг хабардорлигини ошириш, сув муаммолари ва уларнинг ечимлари ёритилган мақолалари учун”.

1. “Энг ахборотга бой видеорепортаж” – Шохжаҳон Каримов, “Дунё бўйлаб” телеканали муҳаррири.

2. “Энг яхши фоторепортаж” – Макссад Жангиров, “Новости Узбекистана” газетаси махсус муҳбири.


3. “Энг ахборотга бой матнли мақола” – Наталия Шулепина, экожурналист.

Кутлов

ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни билан ватандошларимизни муборақбод этади.

Ўнсоният бошига мислсиз қудрат келтирган машъум урушга жониган кечиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси ҳеч қачон унутилмайдигу. Ўлоҳим дунёмиз тинч, осмонимиз мусаллаб бўлсин!



Эълонлар

Тошкент давлат Политехника университети томонидан 2006 йилда Закиров Камолддин Рустамовичга берилган рейтинг дафтраси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

“POLARIS PET” ҚК М-ҲК муассисларининг 2019 й. 24 апрелдаги 1- “ORION IMPEX” ҚК М-ҲК муассисларининг 2019 й. 24 апрелдаги 1/4 сонли ва муассисларнинг қўшма умумий йиғилиши қарорига асосан “POLARIS PET” ҚК М-ҲК “ORION IMPEX” ҚК М-ҲКга қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилади. Қўшилиш муносабати билан “ORION IMPEX” ҚК М-ҲКга “POLARIS PET” ҚК М-ҲКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади. Барча саволлар бўйича Тошкент вил. Қўйраб т. Сапар посёлкиси ТашГРЭСга ёки (+99871) 150-60-10 тел. рақамига мурожаат қилиш сўралади.

“GENESIS MEDIA” М-ҲКнинг (СТПР 305525687) устав фонди 100 000 000 (бир юз миллион) сўмдан 3 000 000 (уч миллион) сўмга камайтирилади. Мурожаат учун манзил: Олмазор т. Қорасарой кўч. 247-уй 7-хонадон.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги вазирлигининг Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларининг конъюктурасини таҳлил қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Рустам СУЛАЙМОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид Хўжаев, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадхон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рамикул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сўхроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04
Web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03
Бухоро – (+99891) 401-29-59
Жиззах – (+99893) 940-10-78
Навоий – (+99891) 332-50-99
Наманган – (+99893) 948-53-86
Фарғона – (+99890) 407-76-03
Самарқанд – (+99897) 575-50-67
Сирдарё – (+99894) 169-23-60
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05
Тошкент – (+99890) 976-39-58
Хоразм – (+99897) 790-47-61
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-525, ҳажми 2 босма табоқ

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 265 нусxada чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топириш вақти: 04.10

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ХАҚБЕРДИЕВ